

**ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КОРХОНАЛАРИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ
ҚҮЛЛАШДА РИСК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ ТАҲЛИЛИ**

Гозиев Муроджон Шокиржонович,
ўқитувчи, Фарғона давлат университети,
Ўзбекистон, Фарғона ш.

Аннотация:

мақолада қурилиш материаллари корхоналарига инновацияларни қўллашда риск даражасини баҳолаш таҳлили илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: қурилиш материаллари, корхона, инновация, инновацион технология, риск, риск даражаси.

Introduction

Глобаллашув шароитида ракобат мухитининг мавжудлиги, иқтисодий барқарорликни сақлаш мақсадидаги ҳаракатлар риск ва уни бошқариш муаммоларига катта аҳамият беришга мажбур қиласди. Ҳозирда тадбиркорлар истеъмолчилардан бир қадам олдинда бўлиши зарур, чунки ҳозирги замонда истеъмолчиларни талаби доимо ўзгариб туради, шунинг учун ҳам тадбиркор бозорда ўз ўрнини йўқотмаслиги учун мазмунан асосланган рискка бориши зарур. Зеро, риск бир томондан кутилмаган салбий ҳодисалар оқибатларини камайтириш, иккинчи бир томондан фойдани максималлаштириш шартидир.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, барқарор ривожланган корхоналарда маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқариш қўлами ва ўзига хос хусусиятларидан қатъий назар, корхона бошқарув тизимининг элементи сифатида рискларни бошқаришни эътиборга олмасдан бошқарув самарадорлигини ошириш мумкин эмас. Корхонада рискларни бошқаришнинг мавжуд тизимлари фойда олиш ва харажатларни камайтириш ўртасидаги зарур мувозанатга эришишга қаратилган бўлиб, компаниянинг умумий сиёсатига интеграциялашув орқали корхонани бошқариш тизимининг ажralmas қисмига айланади. Шу билан бирга, корхоналарда рискларни бошқариш чекланган ресурслардан фойдаланиш имкониятини белгилайдиган бошқарув қарорларига бир неча алтернативлар мавжуд бўлганда, уларни бошқариш бўйича оптимал қарор қабул қилишга ҳизмат қиласди.

Мана шундай муаммоларни бартараф этиш корхоналардан рискни баҳолаш ва бошқариш масалаларини тўғри ҳал этишни талаб этмоқда. Шу ўринда рискни тўғри баҳолашга эътибор қаратиш лозим. Зеро, риск даражасининг тўғри ва аниқ кўрсаткичларда баҳоланиши шу асосда ишлаб чиқладиган ечимларнинг самарали бўлишини белгилаб беради. Шу боис ҳам, рискни тўғри баҳолаш унга тўғри ечим танлаш билан узвий алоқадор ҳисобланади.

Қурилиш саноати корхоналарида риск даражасини баҳолаш - корхонага таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган рискни сифат ва ҳажм бирликларида аниқлашадир. Рискни баҳолаш маҳсус мутахассислар томонидан маълум бир тайёргарликлар асосида амалга

оширилади. Рискни баҳолашга риск омиллари, сабабларига оид маълумотларни йиғиши, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, рискни идентификация қилиш, олинган натижаларни умумлаштириш ва оғиш ҳамда четланишларни аниқлаш каби жараёнлар йигиндиси сифатида қараш мумкин. Шу ўринда айтиш жоизки, риск идентификацияси - риск турини аниқлаш ва таснифлаш жараёни бўлиб, бунда корхонага таъсир қилиши мумкин ёки таъсир қилаётган рискларнинг рўйхати тузилади ва таснифланади. Риск идентификацияси рискка хос бўлган хусусиятларни белгилаб олишдир.

1.1-расмдан кўринадики экзоген (ташқи) риск омиллари корхоналарда асосан бевосита ва билвосита кўринишида рискларни келиб чиқишига олиб келади.

Эндоген (ички) риск омиллари эса корхоналарнинг ички муҳитида йўлга қўйилган иқтисодий, технологик, ташкилий, операцион шароитлар ва меъёрлар ҳисобланиб, уларни инобатга олган ҳолда қабул қилинган қарорлар корхонада рискларни камайтириш ёки аксинча рискларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Корхоналарда рискларни бошқариш ўз вақтида риск омилларини сезиш ҳамда шу орқали келиб чиқиши мумкин бўлган рискларни олдини олишга ва мавжуд рискларни баҳолаш, камайтириш ёки йўқ қилиш чора-тадбирларини кўришга, келгуси стратегик режаларнинг риск даражасини тўғри баҳолашга қаратилган қарорлар қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнларидан иборатdir.



1.1-расм. Корхонадаги риск даражасига таъсир қилувчи омиллар таснифи[1]

Рискларни бошқариш риск бўйича менежернинг асосий саволларга жавоб бериш қобилиятига асосланади, фикримизча, улар қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Ижтимоий-иқтисодий категория сифатида рисктинг моҳияти ва табиатини аниқлаш;
- Рискларни бошқаришдан асосий мақсадларни аниқ билиш;

3. Рискларнинг корхонанинг асосий бизнес жараёнларига таъсир даражасининг хусусиятлари;

4. Имкониятлар тавсифи ва риски камайтиришнинг истиқболли усуллари.

Саноат корхоналари хўжалик фаолиятига рисклар таъсири сабабли етказилган зарар кўламини таснифлашнинг айрим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ушбу зарар кўламини қўйидаги қўринишда беш ўлчовли вектор ёрдамида ифодалаш зарур:

$$X_{3.k} = (x_1, x_2, x_3, x_4, x_5) \quad (1.1)$$

бунда, x_1 – йўқотиш ёки зарар кўрган ёки тадбиркорлик фаолияти оқибатлари салбий таъсир кўрсатган шахслар сони;

x_2 - зарар миқдорининг адекват характеристикиси;

x_3 - етказилган зарар қайд этилган ҳудуднинг ўлчами;

x_4 - зарар оқибатларининг намоён бўлиш муддати давомийлиги;

x_5 – зарар динамикасининг табиати.

Одамлар сонини тавсифловчи x_1 компонентининг шкаласини яратиш учун қўйидаги сифат даражаларини кўрсатиш мумкин: “индивидуал зарар”, “кичик одамлар гурухига етказилган зарар”, “ўртacha одамлар гурухига зарар етказиш”, “миллий зарар” ва “глобал зарар” га қадар.

X_2 ўлчамининг мос хусусиятлари сифатида қўйидагиларни қўллаш мумкин: “бир кишининг кунлик, ҳафталик ёки йиллик даромади”, “битта фирманинг даромади” ва бошқалар.

Зарар қайд этилган ҳудуднинг ўлчами x_3 шкаласини қўйидаги даражалар ёрдамида сифат жиҳатидан тавсифланиши мумкин: “маҳаллий”, “минтақавий”, “глобал”.

Зарар оқибатларининг намоён бўлиш муддатини x_4 баҳолаш учун қўйидагилар қўлланилади: “бир марталик”, “қисқа”, “узок”, “бир цикл давомида” ва бошқалар.

X_5 компонентни - зарар динамикасининг табиатини ўлчаш учун фақат сифат жиҳатидаги шкалалардан фойдаланиш мумкин: “динамика йўқ”, “зарарнинг ортиши ёки камайиши динамикаси”.

Корхонадаги рискларни бошқариш жараёни кўп ўлчовли ва кўп вазифали бўлиб, у идентификациялаш, рискларни таҳлил қилиш ва риск ходисаларининг ижобий оқибатларини аниқлаш ва салбий оқибатларини минималлаштириш учун қарор қабул қилиш жараёнларини ўз ичига олади.

Риски таҳлил қилиш ва унга мос моделларни ишлаб чиқсан ҳолда уни баҳолаш мураккаб меҳнат талаб қиласидиган вазифа ҳисобланади. Бу бир томондан, риск омиллари сабабларининг нобарқарорлиги билан, иккинчи томондан, фаолият натижаларини шакллантириш мураккаблиги билан тавсифланади. Шунинг учун риски баҳолаш моделларини ишлаб чиқиш ва асослаш риск омиллари сабаблари ва улар ҳақидаги маълумотларнинг тўлиқ тавсифини, шунингдек, тадқиқот мақсадини пухта таҳлил қилишни талаб қиласиди. Риски баҳолаш кўрсаткичлари аниқланаётганда асосий эътиборни даромадлилик ва рискка қаратиш муҳим. Риск баҳоланаётганда бу ҳолат эксперт баҳолаш меъёрларидан бирига айланади. Чунки, амалиётда риск ва даромадлилик ўртасида тўғри корреляцион боғланиш мавжуд. Даромад ортиб боргани сари риск ҳам ошиб боради. Риск даражасини баҳолаш учун кўрсаткичларни танлашга қўйидаги талаблар қўйилади:

- рискнинг тузилиши ва талқин қилиниши мумкин бўлган миқдорий баҳолашни акс эттириши зарур;
- макон ва вақт жиҳатидан таҳлил қилинаётган ахборотлар таққосланадиган ва ўлчовлари бир-бирига мос бўлиши зарур;
- корхона кутаётган даромад ёки харажат, шунингдек, корхонага киритилаётган инвестиция ва бошқа кўринишдаги кирим кўрсаткичларини юритишида фойдаланиладиган ўлчов бирликларидан фойдаланиш зарур;
- курилиш саноати корхонасининг риск ва ноаниқликларни вужудга келтирадиган омилларини баҳолашга ва уларни таҳлил қилишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Курилиш саноати корхоналари фаолиятига таъсир қилаётган рискларни баҳолашда шу соҳага багишлиланган кўплаб илмий-тадқиқот ишларида улар сифат ва миқдор кўрсаткичларига бўлиш орқали ёки математик ва иқтисодий индикаторларга бўлиш орқали таҳлил қилинади. Бугунги кунга келиб, рискларни баҳолашга рақамли, психологик ва экологик ёндошувлар ҳам қўшилиб, баҳолаш ҳажми ортиб бормоқда.



1.2-расм. Курилиш саноати корхоналарида рискни баҳолаш иўналишилари[2]

Рискни баҳолашнинг математик ёндошуви рискли вазиятни вужудга келиш эҳтимоллиги билан унинг потенциал заарларининг корреляцион боғланиши натижасида аниқланади. Яъни, саноат корхоналарида рискни баҳолашда рискли ҳодисанинг вужудга келиш эҳтимоллиги ва уни оқибатининг қиймати корхонанинг эҳтимолий фойдасини камайишига олиб келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.
2. Муаллиф ишланмаси.

3. Гозиев М.Ш. Курилиш саноати корхоналарида рақамли бошқарув платформаларидан фойдаланиш афзаликлари // Бизнес-эксперт. Бизнес-Daily медиа. – 2022, № 5(173). 137–140-б.
4. Гозиев М.Ш. Курилиш саноати корхоналарини ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий механизмини таомиллаштириш // Бизнес-эксперт. Бизнес-Daily медиа. – 2023, № 3(183). 75–77-б.
5. Гозиев М.Ш. Курилиш саноати корхоналари фаолиятини ташкил этишда рақамли технологиялардан фойдаланиш варивожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари // Бизнес-эксперт. Бизнес-Daily медиа. – 2023, № 3(183). 82–85-б.
6. Gaziyev Murodjon Shokirjonovich. History of the development of the construction industry and the effect of innovation management in the use of raw materials // International bulletin of applied science and technology – 2023, № 3 256-259-b IBAST ISSN: 2750-3402, UIF = 8.2 | SJIF = 5.955 <https://doi.org/10.5281/zenodo.8174198>
7. Гозиев Муроджон Шокиржонович. Вопросы организации деятельности отрасли строительных материалов в условиях цифровых изменений в экономике // International bulletin of engineering and technology – 2023, № 3 90-93-bIBET ISSN: 2770-9124, UIF = 8.1 | SJIF = 5.71 <https://doi.org/10.5281/zenodo.8174205>.
8. Гозиев М.Ш. Innovatsion salohiyatni oshirish asosida qurilish sanoati korxonalarining boshqaruv mexanizmlarini takomillashtirish // Фаргона вилоятини инновацион ривожлантириш: муаммолар ва ечимлар мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция Фаргона (23 сентябр 2020 йил) – 55-57 бетлар
9. Гозиев М.Ш. Теоретические аспекты управления инновационным потенциалом предприятия // Международная научно-техническая конференция Фергана 27-29 мая 2021 года 1-том.
10. Гозиев М.Ш. Промышленность строительных материалов в ресурсном обеспечении экономического развития // Наука сегодня: вызовы и решения 26.01.2022, Вологда 2022.
11. Goziyev M.Sh. Qurilish materiallari sanoati korxonalarining rivojlanishi va ularni boshqarishning o‘ziga xos xususiyatlari // “Yangi O‘zbekistonning iqtisodiy taraqqiyotida tarmoq va hududlarni jadal rivojlantirish istiqbollari” mavzusidagi respublika ilmiy-amalii konferensiya Farg‘ona (6 fevral 2023 yil) – 538-541 betlar.
12. Goziyev M.Sh. Qurilish sanoati korxonalari iqtisodiy salohiyatini boshqarishda iqtisodiy manfaatlarning shakllanishi // “Yangi O‘zbekistonning umidli yoshlari” Research Focus (ReFocus) ilmiy jurnali bilan hamkorlikda. 2(1)-Son 2023-Yil 28-mart-92-95 betlar <https://doi.org/10.5281/zenodo.8403688>
13. Goziev, M.S. . Approaches to Regulating Labor Migration. American Journal of Economics and Business Management, 5(11), 44–49. Retrieved from <https://www.grnjournals.us/index.php/ajebm/article/view/1647>
14. Goziev, M. Improving innovation and investment capacity management mechanisms in the construction industry. International journal of social science & interdisciplinary research ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(02), 85-89.
15. Goziyev Murodjon Shokirjonovich. CONSTRUCTION LOGISTICS IN THE ORGANIZATION SYSTEM. Thematics Journal of Economics ISSN 2277-3029, Vol-8-(Issue-1-2022), 82–88. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6548680>

16. Гозиев, М.Ш. Вопросы Повышения Конкурентоспособности Предприятий Путем Совершенствования Инновационных Процессов В Узбекистане. *Miasto Przyszłości*, 32, 130-133.
17. Shokirjonovich, G.M. TADBIRKORLIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLASHTIRISHNING AHAMIYATI. *JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH*, 2(16), 301-307.
18. Гозиев, М.Ш. & Хасanova, Р.Р.К. СОЗДАНИЕ МОДЕЛИ ИНТЕГРАЦИИ КЛАСТЕРОВ ДЛЯ РЕАЛИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(2), 59-64.
19. Gaziyev, M. HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF THE CONSTRUCTION INDUSTRY AND THE EFFECT OF INNOVATION MANAGEMENT IN THE USE OF RAW MATERIALS. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 3(7), 256-259.
20. Гозиев, М. ВОПРОСЫ ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОТРАСЛИ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВЫХ ИЗМЕНЕНИЙ В ЭКОНОМИКЕ. *International Bulletin of Engineering and Technology*, 3(7), 90-93.